

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

«ТАСДИҚЛАНГАН»

452 - сон

АТ «Алоқабанк» Кенгашининг
2017 йил «29» ноябрдаги
124 – сонли баённомаси

2017йил «29» ноябрь



Кенгаш Раиси

Ш.Шерматов

АТ «АЛОҚАБАНК»

фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича

2018 ЙИЛ

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

ТОШКЕНТ – 2017

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3

1. ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ.....3

1.1. Республикадаги макроиқтисодий тенденциялар.....3

1.2. Банк тизими ҳолати таҳлили.....6

1.3. Банкнинг бозордаги ўрни ва бугунги кундаги молиявий ҳолати.....7

2. БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Мижозлар базаси9

2.2. Банк активлари ва капитали.....9

2.3. Корпоратив миқозларни кредитлаш фаолияти.....9

2.4. Жисмоний шахсларни кредитлаш фаолияти.....10

2.5. Ташқи иқтисодий фаолият..... 10

2.6. Электрон тижоратни ривожлантириш.....11

2.7. Банк инфратузилмасини ривожлантириш.....13

2.8. Ахборот технологиялари.....13

2.9. Кадрлар сиёсати.....14

3. МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР (ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА ФОЙДА)

ИЛОВАЛАР

1. АТ "Алоқабанк"нинг 2018 йил учун асосий кўрсаткичлари режаси

2. АТ "Алоқабанк"нинг 2018 йилга мўлжалланган ривожланиш истиқболлари

3. АТ"Алоқабанк"нинг моддалар кесимидаги молиявий кўрсаткичлар бўйича 2018 йилга режа

4. АТ "Алоқабанк"нинг 2018 йил учун мўлжалланаётган даромад, харажат ва фойда кўрсаткичлари прогнози

5. АТ "Алоқабанк"нинг 2018 йил учун асосий кўрсаткичларининг чораклар бўйича режаси

6. АТ "Алоқабанк"да электрон тижорат ва халқаро тўлов тизимларини ривожлантириш бўйича 2018 йил учун режа кўрсаткичлари

КИРИШ

Мазкур бизнес-режа АТ "Алоқабанк" томонидан 2018 йилда амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирларни ўзида акс эттирадиган молиявий режа ҳисобланади.

Акциядорлик-тижорат "Алоқабанк" (кейинги ўринларда "Банк") Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш реконструкция қилиш ва уларнинг сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 502-сонли Қарорига асосан ташкил этилган.

Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017 йил 21 октябрдаги 48-сонли банк операцияларини амалга ошириш учун лицензияси асосида олиб боради.

Банк томонидан халқаро «Moody's» рейтинг компаниясининг барқарор рейтинг баҳоларини олишга мунтазам равишда эришиб келинмоқда. Жумладан, «Moody's» рейтинг компанияси 2017 йилнинг февраль ойида банк рейтингини қайта тасдиқлаб:

-миллий валютадаги депозитлар бўйича – **B1/NP**;

-хорижий валютадаги депозитлар бўйича – **B2/NP**;

-барча рейтинглар бўйича – **"Барқарор"** баҳосини берди.

Шу билан бирга «Ахбор-рейтинг» миллий рейтинг компанияси 2017 йилнинг июнь ойида банкка "uzA+" (Юқори) кредитга лаёқатлилик рейтингини берди.

1. ЖОРИЙ ҲОЛАТ ТАҲЛИЛИ

1.1. Республикадаги макроиктисодий тенденциялар

Мамлакатимизнинг 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши ва пухта ўйланган макроиктисодий ҳамда фаол таркибий сиёсатнинг давом эттирилиши жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиктисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

2017 йилнинг январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 170 074,8 млрд. сўмни ташкил этди. ЯИМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан

105,3 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯИМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 103,5 фоиз, (ЯИМ таркибидаги улуши - 16,9 фоиз), саноат - 104,1 фоиз (25,0 фоиз), қурилиш - 105,3 фоиз (7,4 фоиз), савдо, яшаш

ва овқатланиш бўйича хизматлар - 106,5 фоиз (11,6 фоиз), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 107,3 фоиз (13,1 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 106,0 фоиз (26,0 фоиз) ни ташкил қилди.


Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг 2017 йил январь-сентябрь ойларидаги ўзгариш динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариш, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	105,3
Саноат	104,1
Қишлоқ хўжалиги	103,5
Асосий капиталга инвестициялар	101,0
Хизматлар, жами	106,9
Қурилиш	105,3

2017 йилнинг январь-сентябрида ЯИМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 50,7 фоизни ташкил қилди, бу эса 2016 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 0,6 пунктга камдир (51,3 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,6 пунктга камайди ва ҳисобот даврида 13,1 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши 0,5 пунктга ошди ва 11,6 фоизни ташкил қилди, хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2016 йил январь-сентябрдаги 26,5 фоиздан 2017 йил январь-сентябрда 26,0 фоизга тушди. Мулкчилик шакллари бўйича ЯИМ умумий ҳажмининг 80,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторига, 19,7 фоизи - давлат секторига тўғри келди.

2017 йилнинг 9 ойлигида товар ва хизматлар нархлари даражаси ўртача 7,8%га ўсган. Бунда ўтган йилнинг йилнинг мос даврига нисбатан озиқ-овқат товарлари нархларининг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу тариқа, яққол инфляцияцион жараёнлар озиқ-овқат товарлари нархлари динамикасида ўзини намоён қилди, бунда ўртача ойлик ўсиш суръати 0,8 фоизни, 2017 йилнинг январь-сентябрда 7,6 фоизни ташкил этди. Хизматларга тарифлар 2017 йилнинг сентябрь ойида 2016 йилнинг декабрь ойига нисбатан 7,0 фоизга, ўртача ойлик ўсиш суръати эса 0,8 фоизга қимматлашди.

Истеъмол нархлари индекси (ўтган йилнинг декабрь ойига нисбатан фоизда)



Республика саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида 99 060,5 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўсиш суръати 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 105,6 фоизни ташкил этди. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш натижасида меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 3,9 фоизга ошди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш индекси эса 104,1 фоизни ташкил қилди. Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 79,0 фоизни ташкил этди (2016 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан ўсиш суръати 105,1 фоиз). Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш улуши 11,7 фоизни (ўсиш суръати 108,4 фоиз), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш улуши 8,6 фоизни (ўсиш суръати 107,2 фоиз), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш улуши 0,7 фоизни (ўсиш суръати 109,9 фоиз) ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 39 536,1 млрд. сўмни (АҚШ доллари эквивалентидаги ҳажми - 9,6 миллиард АҚШ долларини) ёки 2016 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,0 фоизни ташкил қилди.

1.2. Банк тизими ҳолати таҳлили

2017 йил 1 октябрь ҳолатига тижорат банкларинг жами капитали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **8,3 трлн. сўм ёки 2,0 баробарга ўсиб, 16,7 трлн. сўмни** ташкил этди. Банк тизимининг капиталлашув даражсини ошириш, унинг ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, барқарорлиги кучайтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Хусусан, банк тизимининг капитал етарлилик даражаси жаҳон амалиётида умумқабул қилинган халқаро меъёрлардан **1,5 баробар**, ликвидлик даражаси эса **4,0 баробарга** юқоридир. Банк активлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **85,1 трлн. сўм ёки 2,1 баробарга ўсиб, 161,1 трлн. сўмни** ташкил этди.

Банкларнинг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган самарали чора-тадбирлар мамлакатимиз тижорат банкларига кредитга лаёқатлилик бўйича тақдим этилган халқаро рейтингларини яхшилашга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Хусусан, «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизими ривожланиш истиқболларига берилган «барқарор» даражадаги рейтинг баҳосини еттинчи йилдирки қайта тасдиқлаб келмоқда. «Standard & Poog's» ва «Fitch Ratings» рейтинг агентликлари ҳам Ўзбекистон банк тизими фаолиятини «барқарор» сифатида баҳоламоқда. Ҳозирги пайтда республикада фаолият кўрсатаётган деярли барча тижорат банклари катта учликни ташкил этувчи «Moody's», «Standard & Poog's» ва «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларига эгалар.

Банklar томонидан жорий йил учун устувор вазифа этиб белгиланган sanoatda юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, мамлакатда ишлаб чиқариш ни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, ҳисобот даврида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **55,6 трлн. сўм ёки 2,2 баробарга** кўпайиб, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **103,2 трлн. сўмни** ташкил этди.

Кичик бизнес ни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди ва натижада соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **9,4 трлн. сўм ёки 169,9 фоизга** кўпайиб, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **22,9 трлн. сўмни** ташкил этди.

Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимига бўлган ишончнинг йилдан-йилга ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бориши аҳоли ва хўжалик юритувчи

субъектларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ўз навбатида, банкларнинг жами депозитлари миқдорини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **19,2 трлн. сўм ёки 149,1** фоизга кўпайиб, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига **58,3 трлн. сўмдан** ошишига замин яратди.

Молиявий хизматлар таркибида, бевосита банк хизматларининг улуши **88** фоизга етиб, бу кўрсаткич ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1,2** баробардан зиёдга ошди. Бу эса, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш сифати ва кўламини кенгайтириш борасида кўрилаётган мақсадли чора-тадбирларнинг самарасидир.

Республикадамаизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янда ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг умумий сони бугунги кунга келиб **20,1 млн.** донадан ошиб, савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчаларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони **231,5** минг дона ҳамда ўрнатилган банккомат ва инфокиосклар сони **5,4** минг донага етди.

1.3. Банкнинг бозордаги ўрни ва бугунги кундаги молиявий ҳолати

АТ “Алоқабанк” нинг 2017 йилнинг 9 ойлик фаолияти яқунлари банк кўрсаткичларининг барқарор ва мувозанатлашган ўсишини таъминлаш ҳамда рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилди. Банк активлари ўтган йилнинг мос даврида нисбатан **2,1** баробар, кредит портфели **35** фоиз, депозит базаси **2,6** баробар, хусусий капиталли **31** фоиз ҳамда соф фойдаси эса **2,6** баробарга ошди.

АТ “Алоқабанк”нинг бозордаги ўрни
2017 йил 1 октябрь ҳолатига

Кўрсаткичлар	млн. сўм	Эгаллаган ўрни
Жами активлари	2 841 493	13
Кредит портфели	1 418 780	11
Депозит базаси	2 030 508	9
Хусусий капитал	270 848	15
Соф фойда	64 281	10

Банкни стратегик ривожлантиришнинг асосий йўналишлари сифатида янги банк хизматлари ва технологияларини жорий қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича фаол ишлар олиб

борилмоқда. Бугунги кунда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказларида жойлашган **14** та филиал, **26** та минибанк, **90** та операцион касса, **18** та халқаро пул ўтказиш ҳамда **15** та валюта айирбошлаш шаҳобчалари фаолият юритмоқда.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига миқозлар базаси **391 329** тани ташкил этди. Бу ўтган йилга (**374 958** та) нисбатан **16 371** тага кўпайиб, ўсиш **104,4** фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига банк активлари **2 841,5** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**1 375,1** млрд. сўм) нисбатан **1 466,4** млрд. сўм ёки **206,6** фоизга ўсди.

Банкнинг даромад келтирувчи активлари миқдори **1 491,2** млрд. сўм бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига (**1 100,1** млрд. сўм) нисбатан **391,1** млрд. сўмга ёки **135,5** фоизга ошди ҳамда жами активлардаги салмоғи **52,5** фоизни ташкил этди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига банкнинг хусусий капитали **270,8** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**206,0** млрд. сўм) нисбатан **64,8** млрд. сўм ёки **131,4** фоизга ошди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига банк томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилинган депозитлар (депозит сертификатлар ҳамда облигациялар ҳисобига жалб қилинган маблағлар бундан мустасно) миқдори **2 122,5** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**987,0** млрд. сўм) нисбатан **1 135,5** млрд. сўмга ёки **215,0** фоизга ортган.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига банкнинг жами мажбуриятлари **2 570,6** млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига (**1 169,0** млрд. сўм) нисбатан **1 401,6** млрд. сўм ёки **219,9** фоизга ўсди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига кредит портфели **1 419,1** млрд. сўмни ташкил қилди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларига ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига (**1 051,9** млрд. сўм) нисбатан **367,2** млрд. сўмга ошиб, ўсиш **134,9** фоизни ташкил этди.

Кредит портфелининг **1 393,0** млрд. сўми ёки **98,2** фоизини узоқ муддатли ва **26,1** млрд. сўми ёки **1,8** фоизини қисқа муддатли кредитлар ташкил этади.

2017 йил 9 ойлик яқунлари бўйича олинган банк даромади **260,2** млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига (**181,9** млрд. сўм) нисбатан **78,3** млрд. сўмга ёки **143** фоизга кўп бўлди.

Харажатлар амалда **195,9** млрд. сўмни ташкил этди. Натижада, 2017 йил 9 ойлик яқунлари бўйича банкнинг олган соф фойдаси **64,3** млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига (**25,2** млрд. сўм) нисбатан **39,1** млрд. сўмга ёки **255,0** фоизга ошди.

2017 йил 9 ойлик яқунлари бўйича рентабеллик кўрсаткичи **32,8** фоизни ташкил этиб, белгиланган **бизнес-режа (16,0** фоиз) **16,8** фоиз пункти ёки **205,0** фоиз ортиғи билан бажарилди.

2. БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Мижозлар базаси

Банк томонидан миждозларга янада қулай шарт-шароит яратиш, замонавий технология ва инновациялардан самарали фойдаланиш ҳисобига миждозлар базасини кенгайтириш, шунингдек миждозларнинг банкка бўлган ишончини ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга эришиш банкнинг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олинди.

Банк томонидан хизмат кўрсатиладиган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сонини 2018 йилда камида **22 300** донадан ортиқ бўлишини таъминлаш кўзда тутилди.

2.2. Банк активлари ва капитали

Банк активларини бошқаришда келгусида стратегик йўналишларни белгилаш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш, ликвидлик ва даромадлиликни энг мақбул даражасига эришиш ҳамда банк таваккалчиликларини оқилона бошқариш ишлари давом эттирилади.

2018 йилда банк активларини – **4 160,0** млрд. сўмга етказиш режалаштирилди ҳамда жами активлар таркибида даромад, келтирувчи активлар салмоғини ва сифатини ошириш кўзда тутилди.

Банк капиталининг етарли даражада ўсишини таъминлаш орқали капиталнинг монандлигига қўйилган талабларга риоя қилиш мақсадида режалаштирилаётган йилда олинадиган соф фойда ҳисобига банк хусусий капиталини 2018 йил якунида **441,0** млрд. сўмга етказиш кўзда тутилди.

Банкнинг капиталлашув даражасини камида **10,2** фоиз миқдорида ошириш режалаштирилди.

2.3. Корпоратив миждозларни кредитлаш фаолияти

2018 йилда банк томонидан хизмат кўрсатилаётган корхона ва ташкилотларнинг истиқболли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, ушбу корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириладиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва унинг ҳажмини ошириш кўзда тутилган.

Кредит портфели таркибида инвестиция кредитлари ҳажми ва салмоғини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитлар ҳажмини янада кенгайтириш, кредит қўйилмаларини сифатли йўналтиришга қаратилган фаол кредит сиёсати олиб борилади.

Банкнинг ўз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларга 2018 йил мобайнида **1 500,0** млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилишини таъминлаб,

юрідик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитлар қолдиғини 2018 йил якунига қадар **2 000,0** млрд. сўмга етказиш белгиланди.

Шу билан бирга, ҳисобот йилида кредит ва гаров ҳужжатларини пухта расмийлаштириш орқали юқори сифатли кредит портфелини шакллантириш, кредитларнинг шартномаларда белгиланган муддатларда қайтарилишини таъминлашга ҳам асосий эътибор қаратилади.

Кредит портфели сифатини яхшилаш, кредитларнинг ўз вақтида тўлиқ қайтарилишини таъминлаш, шунингдек кредит маблағларининг даромадлигини ошириш ҳисобига 2018 молиявий йил якунларига кўра **200,0** млрд. сўмдан ортиқ даромад олиниши режалаштирилди.

2.4. Жисмоний шахсларни кредитлаш

2018 йилда жисмоний шахсларга қулай, тезкор ҳамда жозибадор истеъмор кредитлари турларини тақдим этиш орқали молиявий йил давомида жами **554,4** млрд. сўмлик кредитлар ажратилишини таъминлаб, жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғини **700,0** млрд. сўмга етказиш белгиланди.

2018 йилда жисмоний шахсларга ажратиладиган кредитлар бўйича жами **85,3** млрд. сўм, даромад олиниши кўзда тутилган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган кўрсаткичларга банк томонидан жисмоний шахсларга истеъмор, ипотека, овердрафт ва авто кредитлар ажратиш ҳажмини кескин ошириш ҳисобига эришилади.

2.5. Ташқи иқтисодий фаолият

АТ «Алоқабанк» томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни олиб боришдан кўзланган мақсад кўйидагилардан иборат:

- валюта активлари ва пассивларини самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш;
- валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ барча хавф-хатарларни бошқариш учун ички тартибларни оптималлаштириш;
- банк фаолиятида валюта ҳисоб-касса ва депозит операциялари, халқаро тўловлар, халқаро тўлов чеклари ва пластик карталари билан операциялар, инвестицион фаолият, халқаро молия институтлари маблағларини жалб этиш, нақд чет эл валютаси муомаласи, халқаро кафилликни фаол ривожлантириш;
- ўрнатилган вакиллик муносабатлари тизими орқали миқозларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини юритишлари учун кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиш, уларнинг маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишларини жонлантириш;
- банк хизмати кўламини ошириш мақсадида миқозларнинг экспорт-импорт операциялари бўйича амалга ошириладиган банк кафолати, аккредитив тўлов шаклларидаги ҳисоб-китоб тизимини

амалга оширишда хорижий банк корреспондентлар ҳамкорлигида ишлаш кўламини кенгайтириш;

- халқаро валюта бозорларида қатнашиш ҳамда конверсион операциялар кўламини янада кенг қамровда амалга ошириш;

- халқаро пул ўтказмалари фаолиятини кенгайтириш ҳамда шу йўл билан жорий валюта операциялар турини кўпайтириш;

- Жаҳон банки гуруҳига кирувчи халқаро ташкилотлар, жумладан Халқаро тараққиёт уюшмаси, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки кредит линияларини жалб қилиш, Халқаро молия корпорациясининг савдони молиялаш инструментларидан фойдаланиш;

- Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликнинг биринчи босқичини йўлга қўйиб, савдони молиялаш инструментларидан фойдаланиш;

- Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом Корпорациясининг кредит линиясини жалб қилиш;

- Commerzbank AG банкининг савдони молиялаш лимитини ошириш;

- Мижозлар томонидан амалга ошириладиган ташқи савдони жами 10 млн. АҚШ доллари миқдорида постфин ҳисобига молиялаш;

- Европа ва Осиё мамлакатларидаги етакчи банклар ва бошқа хорижий молия институтларидан жалб қилинган кредит линиялар ҳисобига жами 5 млн. АҚШ доллари миқдорида лойиҳаларни молиялаш;

- Банкнинг ўз валюта маблағлари ҳисобига мижозларга жами 25 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратиш;

- иқтисодий ривожланган давлатлар банкларида банкнинг вакиллик муносабатларини ўрнатиш кенг қамровли ишлар олиб бориш;

- Маҳаллий ва хорижий банкларнинг банкимизда вакиллик ҳисоб рақамларини очиш.

2.6. Электрон тижоратни ривожлантириш

Банк Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 декабрдаги “2016-2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2016 йил 2 июндаги “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини ва сифатини ошириш, ҳар бир мижоз талабига жавоб берувчи энг

замонавий банк хизматларини кўрсатиш, тўловларни электрон тарзда реал вақт режимида қабул қилинишини янада кенгайтириш, мавжуд автоматлаштирилган банк тизимларини янги стандартлаштирилган банк маҳсулотлари ва хизматлари, илғор ахборот-коммуникация технологиялар ютуқлари ҳамда дастурий таъминотлар асосида модернизация қилишни асосий мақсад қилиб қўйган.

2018 йилда электрон тижоратни янада ривожлантириш, янги банк хизматларини жорий қилиш, мавжуд хизматларни ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда замонавий хизматларга айлантириш ҳамда банкни республиканинг энг илғор банклари қаторидан жой олишини таъминлаш мақсадида қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган:

- банкда электрон тижорат инфратузилмасини ҳамда интернет эквайрингни янада ривожлантириш нитижасида йил якунига қадар 22,0 млрд. сўм даромад олиш (2017 йилга нисбатан 1,5 баробар ортиқ);

- мобил-банкнинг иловасининг янги версиясини ишлаб чиқиш орқали пластик карталарни, кредитларни, омонатларни, халқаро тўлов карталарини, халқаро пул ўтказмаларини бошқариш ва қайта алоқа хизматини жорий этиш ҳамда доимий тақомиллаштириб бориш орқали йил якунигача фойдаланувчилар сонини 50 мингтадан ошириш;

- интернет маркетинг, CRM ва SMM тизимларини банкда жорий қилиш ҳамда унинг назоратини ташкил этиш,

- хизмат кўрсатувчи ва товарлар сотувчи ташкилотларга тўловларни E-POS терминали орқали амалга ошириш бўйича тарғибот ва рекламалар қилиб бориш;

- интернет-савдо дўконлари билан доимий ҳамкорликни ўрнатиш ҳамда ушбу дўконлар орқали ўтадиган транзакцияларнинг банк орқали ўтказилиши бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ҳозирда мавжуд барча тўлов тизимлари (Click, PayMe, M-Bank ва бошқалар) хизматларини бирлаштириш, маҳсулот ва хизматларни электрон терминаллар орқали сотувчиларга тўловларни исталган тўлов тизими орқали амалга ошириш имкониятини яратиш мақсадида тўлов агрегатор воситасини жорий қилиш;

- ҳунармандчилик ва бошқа маҳсулотларнинг хорижий савдо майдонларида онлайн савдосини, экспортини ривожлантириш;

- VISA, MasterCard, UnionPay, MIP карталарини банкнинг ўзида эмиссия қилинишини йўлга қўйиш ва бир йилнинг ичида мижозларга 20 000 дан ортиқ карталарни чиқариш;

- халқаро тўлов карталарининг онлайн эквайрингини йўлга қўйиш ҳамда хорижий валютадаги E-POS терминаллари тармоғини кенгайтириш;

- VISA, MasterCard, UnionPay тўлов тизимларнинг тўлақонли (принципиал) аъзоси бўлиш ҳамда халқаро тўлов карталардан ўтказилган транзакциялардан 4,0 млрд. сўм миқдорида даромад олиш;

- юридик шахслар учун “Интернет-банкнинг” да мавжуд хизматларни янада кенгайтириш ҳамда уни янги кўринишини ишлаб чиқиш;

- Республикада МИР карталарининг процессингини амалга ошириш тизимини жорий қилиш ҳамда ушбу операциялардан 2,5 млрд. сўмдан ортиқ даромад олиш;

- банк пластик карталарининг янги дизайнларини жорий қилиш ҳамда кобренд карталар чиқаришни йўлга қўйиш;

- банкда ҳужжатлар айланишининг янги тизимини жорий қилиш ҳамда кредит олиш аризаларини айланиш тизимини (КИФ) автоматлаштириш;

- инкассация харажатларини камайтириш ҳамда миқозларга қулайликлар яратиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар учун 20 дона ресайкл-банккоматлар сотиб олиш;

- кредит портфелининг мунтазам ўсиши ҳамда юқори сифатлигини таъминлаш мақсадида кредит ходимларини рағбатлантириш тизимини жорий қилиш;

- банк менежменти сифатини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида ISO 9001:2015 сертификатини олиш ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштириш учун консалтинг хизматидан фойдаланиш;

- банк ходимлари меҳнати самарадорлигини муносиб баҳолаш ҳамда уларни муносиб рағбатлантириш мақсадида KPI тизимини жорий қилиш.

Электрон тижорат ва халқаро тўлов тизимларини ривожлантириш бўйича 2018 йил учун режа кўрсаткичлари илова қилинади.

2.7. Банк инфратузилмасини ривожлантириш

2018 йилда банкнинг инфратузилмасини ривожлантириш белгиланган бўлиб, филиаллар сонини **15**, минибанклар сонини **30** тага, халқаро пул ўтказмалари шохобчалари сонини **22** тага ва валюта айирбошлаш шохобчалари сонини **19** тага етказиш режалаштирилди.

2018 йилда банк томонидан янги хизмат турларини жорий қилиш, миқозларга турли хил қўшимча шарт-шароитлар яратиш орқали потенциал миқозларни жалб қилиш режалаштирилди.

2.8. Ахборот технологиялари

Ахборотлаштириш даражаси ва замонавий технологиялардан фойдаланиш ташқи бозорда ҳам, ички бозорда ҳам банкнинг самарали иқтисодий ривожланишининг ва рақобатбардошлигининг асосий факторларидан бири бўлиб қолмоқда.

Банк томонидан тайёрланадиган барча хисоботларни тайёрлаш тизимини автоматлаштириш, банкнинг Амалиёт бошқармаси ва барча

филиаларидаги операциялар бўлимлар фаолиятини оптималлаштириш орқали мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш кўзда тутилди.

"Интернет-банкнинг", мобил-банкнинг ва SMS-банкнинг тизимидаан фойдаланувчилар сонини ошириш, бунда омонатчиларнинг банкдаги ўз маблағларини масофадан туриб назорат қилишлари, истаган вақтда тўловларни ўтказишлари имкониятини жорий қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари банк мижозлари бўлган аксарият ташкилотларга "Интернет-банкнинг" дастури орқали хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

2018 йилда бош офис ва банк филиалларини серверлар, замонавий ишчи станциялар ва дастурий воситалар билан таъминлаш, мижозларга кўрсатиладиган хизматларни тезлаштириш, уларга қўшимча қулайликлар яратишда янги имкониятлар жорий этиш ишларини давом эттириш кўзда тутилган.

Электрон рақамли имзо билан боғлиқ барча хизмат кўрсатиш тизимлари, электрон ҳисоботлар ягона электрон имзо билан амалга ошириш ишлари давом эттирилади.

Банкнинг расмий веб-сайтини такомиллаштириш ҳамда веб-сайт орқали тақдим этилаётган интерактив хизмат турлари сонини, шу жумладан транзакцион хизматларни кўпайтириш ҳамда ушбу хизматларни ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграциялашни ривожлантириш режалаштирилган.

2018 йилда банк ходимларини ва информацион технологиялар мутахассисларини малакасини оширишга алоҳида аҳамият берилади.

2018 йилда ахборотлаштириш инфраструктурасини автоматлаштиришни босқичма-босқич татбиқ этиш давом этади. Хусусан, банк автоматлаштирилган тизими серверларини янгилаш ҳамда корпоратив маълумотлар омборини яратиш, аналитик маълумотларни тайёрлаш ва кредит жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий таъминотларни ўрнатиш режалаштирилган.

2.9. Кадрлар сиёсати

Кадрлар сиёсатининг асосий мақсади – тизимни малакали ва зарур йўналишда ихтисослашган кадрлар билан таъминлаш, банк ишига масъул ва садоқатли, билимли ходимларни тарбиялаш, уларнинг фаолиятига кўмак берувчи ташкилий, ижтимоий - иқтисодий, маънавий шарт - шароитларни яратишдир.

Банк юқори малакали кадрларни танлаб олиш ва илғор жамоани шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Кадрларни бошқариш сиёсатининг мақсади қуйидаги асосий вазифалар орқали амалга оширилади:

а) тизимни олий ва малакали ходимлар билан таъминлаш, уларни иқтидори ва салоҳиятидан мақсадли ва унумли фойдаланиш;

б) ходим маънавиятини юксалтириш ва ижтимоий-сиёсий тафаккурни ривожлантириш ҳамда доимий равишда маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувларни ташкил этиш;

в) лавозимлар таркибланишини белгилловчи штат жадвалини муқобиллаштириш, кадрларга бўлган эҳтиёжни ўрганиш, прогноزلлаштириш, ходимлар малакасини ошириш;

г) банк фаолиятининг самарадорлигини оширишда Ходимлар билан ишлаш бошқармасини билимли, иқтидорли, малакали ходимлар билан бутлаб бориш;

д) инсон омилларини бошқариш жараёнларини банкнинг ривожланиш умумий стратегияси билан уйғун олиб бориш;

е) меҳнат манфаатдорлигини йўлга қўйиб, ходимлар билан ишлашда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси талабларини бажарилишини таъминлаш.

Банк ходимлар сонини 2018 йил якунида янги филиал ва минибанклар очилиши ҳисобига **1 150** тага етказиш режалаштирилди.

Раҳбарлик лавозимларига тайинланиш учун захирага олинган ходимларнинг сифат таркибини шакллантиришни “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари тизимида раҳбарлик лавозимларига тайинлаш учун ходимлар захираси таркибини шакллантириш бўйича Тавсиялар” асосида амалга ошириш ва уни такомиллаштириб бориш кўзда тутилди.

Кадрлар сиёсатини амалга ошириш шарт-шароитларини оптималлаштириш ва механизмларини такомиллаштириш ҳар бир банк ходимининг сифатли ва самарали фаолият олиб боришларига боғлиқ.

3. МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР (ДАРОМАД, ХАРАЖАТ ВА ФОЙДА)

2018 йилга банк олдига қўйилган устувор вазифаларнинг бажарилиши натижасида асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиши режалаштирилмоқда.

Жумладан, 2018 йилда банк даромадининг ўсиш даражасини сақлаб қолган ҳолда, **456,0** млрд. сўмга етказиш режалаштирилди. Бу даромадларнинг **350,7** млрд. сўми фоизли даромадлар, **105,3** млрд. сўми фоизсиз даромадлардан ташкил топади. Фоизли даромадларнинг асосий қисми, яъни **285,0** млрд. сўми, ссуда ва лизинг операцияларидан олинини кўзда тутилган. Фоизсиз даромадларнинг асосий қисмини эса **88,5** млрд. сўми, кўрсатилган хизматлар ва воситачилик операцияларидан олинган даромадлар ташкил этади.

2018 йилда жами **386,0** млрд. сўмлик банк харажатларини амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, уларнинг **190,7** млрд. сўми фоизли харажатлар, **23,9** млрд. сўми фоизсиз харажатлар ва **171,4** млрд. сўми операцион харажатлардан иборат бўлади.

Банкнинг соф фойдаси 2018 йил учун – 70,0 млрд. сўм миқдоридан белгиланган*.

***Изоҳ**

2017 йил якунлари бўйича жами 350,0 млрд. сўм даромад кутилаётган бўлиб, унинг 27,5 млрд. сўми, хорижий валютадаги маблағларнинг қайта баҳоланиши ҳисобидан олинган.

2017 йил якунлари бўйича жами харажат 280,0 млрд. сўмга кутилаётгани инobatга олиб, хорижий валютадаги маблағларнинг қайта баҳоланиши ҳисобидан олинган даромад ҳисобга олинмаганда банк фойдаси 2018 йилда 164,7 фоизга ошиши кутилмоқда.

Банк Кенгаши
аъзолари:

Ф.Юлдашев

Ш. Кадилов

Р. Мансуров

Б. Тоҳиров

Ш. Атамухамедов

Т. Иминов

Т. Тешабаев

Р. Дадамухамедов

Бошқарув Раиси

К. Ирисбекова